1. Электр юкланиш графиги ва унинг асосий курсатгичлари.

Энергетик тизимлари ҳисобида ва уларнинг параметрларини аниқлашда максимал ва минимал кувватларнинг киймати куп кулланилади. Баъзи ҳисобларда ораликдаги кувватларнинг кийматлари жуда хам катта аҳамиёга эгадир. Кувват узгариши ҳақида энг тула маълумотни графиклар ёрдамида билишимиз мумкин. Кувват узгариш графикларининг 3 хил тури бор: суткалик, сезонлик ва йиллик.

Бу графиклар кундузги ва кечки максимумларда, кундузги ва кечки минимумлардан иборатдир. Агарда расмда берилган графиклар, бош участкалар учун чизилган булса, уларнинг юзаси линиялар орқали ётказилаётган энергия микдорини курсатади. Расмдаги график факат истеъмолчилар учун чизилган булса, унинг юзаси истеъмол қилинаётган энергияни тасвирлайди.

Киш ва ёз даврлар мавсумий графиклар ёрдамида йиллик давомийлиг графикини курамыз.

Кувват доимий булган погонани узунлигини аниқлаш учун куйидаги тенгликлар системасидан фойдаланамиз:

$$t_1 = 200_n + 165_m$$

$$t_2 = 200_n + 165_m$$

.....

$$t_n = 200_n + 165_m$$

бу ерда t_1, t_2, \dots, t_n - кувват доимий булган погонани узунлиги; 200- ёз мавсумини давоми; 165 - киш мавсумини давоми.

Юкланиш графиклари ёрдамида кувват ва энергияни узатиш билан боглик параметрларни аниқлаш мумкин. Линия орқали узатилаётган энергия бевосита йиллик давомийлиг графикидан аниқланиши мумкин.

$$W = \sum_k^n P_k t_k$$

бу ерда P_k - k погонанинг ординатаси; t_k - k погонанинг вақти.

Уша энергия кийматини графикда курсатиган максимал кувват ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин.

T_{\max} - максимал кувватдан фойдаланиш муддати.

$$W = \sum_{k=1}^n P_k t_k$$

$$\text{Ёки } T_{\max} = \frac{W}{P_{\max}} = \frac{\sum_{k=1}^n P_k t_k}{P_{\max}}$$

Назарий булиши мумкин $T_{\max} = 8760$ с.

Лекин, кишлоқ хужалигида ишлаб чиқариш учун унинг киймати 1100-2300с атрофида булади. Саноатда, 2 - 3 сменали ишлаётган қархоналарда $T_{\max} = 4500-7000$ с.

Кишлоқ хужалигида ишлаб чиқаришдаги T_{\max} -нинг каммеги бор максимал кувватларнинг муддатлари кичик эканлиги курсатади ва графигининг юқори даражада текиз эмаслигини ҳам курсатади.

Графикни юқори даражада текиз эмаслиги ортиқда энергия ва кувват сарфларига олиб келади.

Графикларни текислаш учун қуйидаги чора тадбирлардан фойдаланишимиз мумкин:

- Қурилмаларни иш пайтини қундузги ва кечки максимум даврларидан иложи борича бошқа даврга утқизиш;

- Максимум даврида, истеъмолчиларни бир қисмини тармоқдан ажратиш;

- Ишлаш муддатини ошириб усқуналарни урнатилган кувватини камайтириш;

Мисол

Бир суткада истеъмолчи $A=360$ кВт-с энергияни истеъмол қилади (6соат, $P_{ур}=60$ кВт; $\cos\phi = 1$; 0,4 кВ)

Булаётган энергия исрофи:

$$\Delta A_1 = \int P dt = \int_0^6 60 dt = 60 \cdot 6 = 360 \text{ кВт} \cdot \text{с}$$

Технология жараинини узгартириб максимум юқланишни 30 кВт гача камайтирдик ва иш муддатини 12 соатгача оширдик.

Булаётган энергия исрофини аниқлаймиз:

$$\Delta A = \int P dt = \int_0^{12} 30 dt = 30 \cdot 12 = 360 \text{ кВт} \cdot \text{с}$$

И

И

Ва 3-чи вариантда $P_{\text{хис.}} = 15 \text{ кВт}$;

$t = 24 \text{ с.}$

$$\Delta A = \frac{15}{\text{И}} \cdot 24 = 5400 \frac{\text{Р}}{\text{И}}$$

Демак

$$\Delta A : \Delta A : \Delta A = 4:2:1$$

2. Трансформатор кувватидан самарали фойдаланиш.

Эксплуатация даврида трансформаторлар кувватидан эффектив фойдаланиш учун, куйидаги чора тадбирларни куллаш мумкин:

1. Дойим тула юкланишда булмаган трансформаторларни пастрок кувватли трансформатор билан алмаштириш;
2. Икки трансформаторли пастрла минимал юкланиш даврида бир трансформаторни тармокдан ажратиш;
3. Мавсум эмас даврида трансформаторларни ажратиш;
4. Бир трансформаторли пастрлардан кенг фойдаланиш;

Кам юкланган трансформаторларни алмаштириш натижасида электр энергиясининг сарфини камайиши куйидаги формула ердамида аникланиши мумкин

$$\Delta A = (\Delta P_{\text{саят. иш 1}} - \Delta P_{\text{с.иш.2}}) T + (\Delta P_{\text{к.т.1}} \cdot K_{\text{юк.1}} - \Delta P_{\text{к.т.2}} \cdot K_{\text{юк.2}}) \tau$$

бу ерда $\Delta P_{\text{с.иш.1}}$, $\Delta P_{\text{с.иш.2}}$ - биринчи ва иккинчи салт ишлаш режимда кувватларни сарфи, кВт

$$\Delta P_{\text{к.т.1}}, \Delta P_{\text{к.т.2}} \text{ ---//---}$$

киска туташув режимида кувватларни сарфи, кВт.

$K_{\text{юк.1}}$, $K_{\text{юк.2}}$ - алмаштирилган ва янги трансформаторларнинг юкланиш коэффициентлари; τ - электр энергиясининг максимал сарфининг вакти.

Расм 4. Улагич ёрдамида кушиладиган трансформаторларни рационал режимини танлаш.

а- электр схемаси; б-график усулида трансформаторларни оптимал ишлаш зоналарини аниклаш.

Улагич (R_y) ажралган холатда трансформаторлар (ТП1 ва ТП2) параллел ишлайди. (1чи режим) факат ТП1 ишлайдиган булса R_y (улагич-перемычка) кушилади ва илгари ТП 2 дан олинадиган кувватнинг бир кисми R_y оркали ТП1 олинади. Бу холатда ТП2 трамокдан ажратилган булади. (2чи режим). 3чи режимда ТП2 ишлайди ва ТП1 тармокдан ажратилган булади.

1чи режимда S_{11} ва S_{21} тула кувватлар билан трансформаторлар ишлайди. Бу холда кувватларни сарфи куйидаги формула билан аникланади:

$$\Delta P_{(1+2)} = \Delta P_{\text{с.иш 1}} + \Delta P_{\text{с.иш2}} + \Delta P_{\text{к.т.1}} \text{ ---} + \Delta P_{\text{к.т.2}} \text{ ---}$$

2чи режимда кувватларни сарфини куйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$\Delta P_1 = \Delta P_{\text{с.иш } 1} + \Delta P_{\text{к.т.1}} \frac{(S_{11}+S_{21})}{S_{n1}} + S_{21} R_{y/I} \quad (8)$$

$$\Delta P_2 = \Delta P_{\text{с.иш } 2} + \Delta P_{\text{к.т.2}} \frac{(S_{11}+S_{21})}{S_{n2}} + \frac{S_{11}R_y}{I} \quad (9)$$

Бу ерда: $\Delta P_{\text{с.иш } 1, 2}$ - 1чи ва 2чи трансформаторларни салт ишлаш режимлардаги кувватларнинг сарфи; $\Delta P_{\text{к.т. } 1,2}$ - 1чи ва 2чи трансформаторларни киска туташув режимлардаги кувватларни сарфи.

Кувват истеъмоли дойимий эмаслиги учун S_{11} ва S_{21} лар узгарувчан ва уларнинг маълум бир кийматларида $\Delta P_{(1+2)} = \Delta P_1$ булиб қолиши мумкин.

Ёки $\Delta P_{(1+2)} = \Delta P_2$; $\Delta P_1 + \Delta P_2$

Натижада биринчи тенгликдан $S_{11} = f_1(S_{21})$ тенгламани оламиз ва ав тугри чизик билан тасвирланади (расм 4 б)

Худди шундай қилиб 2чи тенгликдан $S_{11} = f_2(S_{21})$ тенгламани оламиз ва cd тугри чизик билан тасвирлаймиз; 3чи тенгликдан $S_{11} = f_3(S_{21})$ ни ва ef тугри чизик билан тасвирлаймиз. 4б расмдаги графиклар $S_{n2} = 400$ кВа ва $S_{n1} = 630$ кВа трансформаторлар учун қурилган.

1-чиси - Imoe; 2чиси- eопре ва 3чиси - amond.

Юкланишлар S_{11} ва S_{21} координатлари ҳосил қилувчи нуктанинг жойлашишига қараб схеманинг иш режими аниқланади.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари:

- 1.Электр юкланиш графиги ва унинг асосий курсаткичлари.
2. Трансформатор кувватидан самарали фойдаланиш деганда нимани тушинасиз?
3. Кувват истеъмоли дойимий эмаслиги қанақа омилларга боғлиқ?

Кувват коэффиценти ва уни ошириш усуллари куллаш мақсадга мувофиқлиги.

Режа:

1. Кувват коэффиценти ва уни ошириш зарурияти.
2. Умумий тоқларнинг камайиши.
3. Актив кувват ва электр энергия сарфларини камайиши.
4. Реактив кувват сарфининг камайиши.

Таянч иборалар: электр, энергия, энергетик, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, ноанъавий энергия, нефт, газ.

1. Кувват коэффициентни ва уни ошириш зарурияти.

Хозирги давра, электр энергия ишлаб чиқариётган генераторларнинг $\text{tg } \varphi = 0,5 \div 0,35$ ($\cos \varphi = 0,89 \div 0,94$) тенгдир. Демак, улар, номинал кучланишни саклаб туриш учун кувватга $0,5 \div 0,35$ квар реактив кувват сарфлайдилар. Лекин, истеъмолчиларнинг купчилиги амалиётда $\text{tg } \varphi \text{ ном} \approx 1$ ($\cos \varphi \approx 0,7$) билан ишлайдилар ва хар бир истеъмол қилинаётган (1кВт) киловатт актив кувватга 1 квар реактив кувват талаб қиладилар. Махсус бир чоралар қурилсаса эл.станциядаги генераторлар ортиқча юкланади ва уларнинг кучланиши пасайиб кетади.

Шунинг учун реактив кувватни компенсацияловчи махсус қурилмалардан (кк) фойдаланамиз ва уларнинг ёрдамида қушимча реактив кувватни jQ_k ишлаб чиқарамиз. Натижада, истеъмолчиларга керак бўлган реактив кувватни 2 қисмини ККлар ёрдамида оламиз

(---)
3

1
3

ва (---) қисмини энергия билан таъминловчи электр тармоқлардан
3
оламиз.

Табий савол хосил бўлади. Уша, керакли микдордаги реактив кувватни нахотки электр станцияларидан олиб бўлмайдими? Афсуски бунга иложи йук на техникавий ва на иктисодий томондан. Биринчидан электр тармоқларда кучланишни трансформацияси камида 3-4 марта бўлади ва шуларнинг натижасида реактив кувватнинг сарфи (40-50) % гача етиб қолиши мумкин.

Иккинчида $Q=P \text{tg}\varphi \rightarrow$ актив кувват борлигидан ва унинг ёрдамида реактив кувват тармоқлар орқали узатилиши мумкин. Демак Q ни ошириш учун (эл. станцияда) P ни ошириш керак, аммо лекин бунинг учун генераторларни куввати каттороқларга алмаштириш керак бўлади. Бу катта капитал маблағларни талаб қилади. Ёки Q ошириш учун $\text{tg}\varphi$ ни ошириш керак. $\text{tg}\varphi \uparrow$ ошган сари, бурчак φ ошади ва $\cos \varphi \downarrow$ пасаяди - буниси бизга тугри келмайди!

Ккларни қушилиши натижасида умумий тоқларнинг микдори камайдими; эл. энергия, актив ва реактив кувватларни сарфи камайдими ва кучланиш йуқолиши ҳам камайдими.

2. Умумий тоқларнинг камайиши.

Электр тармоқнинг охири томонига Кклар қушилса умумий тоқ пасаяди.

$$J = \frac{\sqrt{P + (Q - Q_k)} \cdot P}{\sqrt{3U}} = \frac{P}{\sqrt{3U}} \sqrt{1 + \text{tg}^2 \varphi} \quad (1)$$

Айниқса бунинг пасайиши $\text{tg } \varphi = 0 \div 1$ ча интервалда сезилади. Бу холда $\cos \varphi = 1 \div 0,7$ гача узгаради. Умумий тоқ пасайиши натижасида электр тармоқнинг қушимча актив кувват утқизиш қобилияти ошади. Кклардан фойдаланиб куп трансформаторли қархоналарда парранда фабрикаси, чорва комплекслари, трансформаторларнинг сонини 5-10% га қисқартириш мумкин.

3. Актив кувват ва электр энергия сарфларини камайиши.

Тармокнинг хар бир шохи учун актив кувватнинг сарфини куйидаги формула билан аниқлаймиз (компенсацияловчи курилмалардан фойдаланган холда)

$$\Delta P_k = \frac{P + (Q - Q_k)}{I} R = \Delta P_a + \Delta P_p (Q_k)$$

бу ерда ΔP_a - актив кувват сарфининг доимий кисми, кВт

$\Delta P_p (Q_k)$ --/-- узгарувчан кисми

Агарда компенсацияловчи курилмаларни кувватлари ростланмайдиган булса (дойимий) , бир йиллик электр энергия сарфини камайиши куйидаги формула билан аниқланади:

$$\sigma \Delta W = \frac{R}{I} Q_k (2Q_{ур.йил} - Q_k) \quad (4)$$

бу ерда $Q_{ур.йил}$ - реактив юкланишнинг йиллик урта киймати.

4. Реактив кувват сарфининг камайиши.

$$\Delta Q_k = \frac{P + (Q - Q_k)}{I} X = \Delta Q_a + Q_p (Q_k)$$

Электр тармоқларнинг реактив каршилиги актив каршилигидан анча юкоридир $X \gg R$, шунинг учун тармоқларда реактив кувватларни сарфлари актив кувватларникидан бир неча баробар юкорирокдир урта хисобда $\Delta P \Sigma \approx (9 \div 10) \%$ электр тармокнинг умумий актив юкланишидан, ва $\Delta Q \Sigma \approx 50\%$ --/-- реактив юкланишидан.

5. Хаво линиялари ва трансформаторларда кучланиш йуколиши.

КК уртаниш натижасида кучланиш йуколиши куйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta I_k = [PR + (Q - Q_k) x] / I \quad (7)$$

Демак, реактив кувватни компенсациялаш натижасида (Ккларни ердамида) актив ва реактив кувватларни сарфини камайтирамыз, электр энергия сарфини камайтирамыз ва кучланиш йуколишини хам пасайтирамыз. Факат КК ларни каерда урнатиш керак деган муаммо фойда булади. Тажрибалар шуни курсатадики, канча КК лар истеъмолчиларга ёкинрок булса, шунча ΔP ва ΔQ ларни камайиши купрокдир. Лекин, КК ларни урнатилиши истеъмолчиларга ёкинлашини билан уларнинг урнатишга кетадиган капитал маблаг ошиб кетади. Амалиётда, КК ларни РТП ларнинг 6 ва 10 кВ шиналарига ва ТП ларнинг 0,4 кВ шиналарига кушилиши афзалирокдир.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Куват коэффициентини ва уни ошириш зарурияти ниамларга боғлиқ?
2. Умумий токларнинг камайиши қандай омилларга боғлиқ?

3. Актив кувват ва электр энергия сарфларини камайишиқанақа?
4. Реактив кувват сарфининг камайиши.

Электр ёритиш тармоқларида электр энериясини тежаш.

Режа:

1. Кириш.
2. Ёритиш нормалари.
3. Электр ёритгичлардан окилона фойдаланиш.
4. Электр энергия сарфини камайтирувчи чора-тадбирлар.

Таянч иборалар: электр, энергия, энергетик, қишлоқ хўжалиги, шилаб чиқариш, ноанъавий энергия, нефт, газ.

1. Кириш.

Хозирги даврда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда булаётган умумий энергия истеъмолидан 10-15% электр ёритишга сарфланади. Электр ёритиш тармоқларида электр энергия сарфини камайтириш учун лампа ва ёритгичларни тугри танлаш керак, улардан окилона фойдаланиш ва кучланишни керакли даражада саклаб туриш керак. Электр энергия сарфи қабул қилинган ёритиш нормалари, ёритгичларни турлари ва уларнинг иш режимлари билан боғлиқдир.

2. Ёритиш нормалари.

Ёритиш нормалари иш бажариётган хизматчилар, саклаётган мол ёки парранда ва усимликларни ёритилганлик томонидан оптимал шароитларни яратиш билан боғлиқдир. Масалан, катакларда сакланаётган товуклар учун озука таркатиш транспортер юзасидаги нормалаштирилган ёритилганлик куйидагича:

- люминесцент лампалар учун-75лк;
- чугланма лампалар учун - 30лк.

Хакий ёритилганлик нормаларга мувофиқлигини аниқлаш учун куйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$F_{\text{хак.}} = \frac{Nn F \eta}{S} \quad (1)$$

бу ерда N- ёритгичлар сони;

n- 1та ёритгичда бор лампалар сони;

F - лампадан чиқаётган ёруглик окими, лм;

η- ёруглик окимидан фойдаланиш коэффиценти;

S - хонанинг юзаси, м²

Ёруглик окимидан фойдаланиш коэффиценти микдори ёритгичларни ФИК; хоналарнинг катталиклари; ёритгичларни осилиш баландлиги; шифт, девор ва хисобий юзаларни ёругликни кайтариш коэффицентлари билан боғлиқдир.

Ёритиш нормалари ошиши билан, ортикча энергия сарфларини камайтириш учун лампаларни пастрок кувватликларига олмаштириш керак. Ёритгичлар кувватини ортикча оширилиши билан буладиган йиллик энергия сарфларини аниклаймиз:

$$\Delta \text{Эй} = (P_x - P) K_{\text{тал.}} \cdot T_{\text{фойд.}} \quad (2)$$

Бу ерда: P_x - лампаларнинг хакикий куввати, кВт;

P - лампаларнинг хисобий куввати, кВт;

$K_{\text{тал.}}$ - электр ёритгичларни талаб коэффиценти;

$T_{\text{фойд.}}$ - максимум юкланишдан фойдаланиш муддати, соат.

Талаб коэффиценти миқдори 0,6 - 1 гача узгаради ва унинг катталиги хонанинг тури билан богликдир. Масалан, сигирхоналар учун $K_{\text{тал.}}=1,0$; устахоналар учун $K_{\text{тал.}}=0,98$; маиший хоналарда $K_{\text{тал.}} = 0,8$ ва омборхоналар учун $K_{\text{тал.}}=0,6$. Максимум юкланишидан фойдаланиш муддати $T_{\text{мах}} = 700-800$ соат (чорвачилик ва парранда саклайдиган хоналар учун) ; $T_{\text{мах}}=1500$ соат (устахоналар учун).

3. Электр ёритгичлардан окилона фойдаланиш.

Кишлок ва сув хужалик ишлаб чиқариш хоналарида хар хил ёритгичларни куллаш мумкин. Масалан, чугланма лампали ёритгичлар содаллиги, орзанлиги ташқари уларни хар хил атроф мухит шароитларида куллаш мумкин. Люминесцент ва бошка хилдаги газ разрядли лампаларни энергетик фикрлари юкорирокдир.

Чугланма лампаларга нисбатан, бир хил кувватга эга булган люминесцент ва газ разрядли лампалар (ДРЛ, ДРИ, Днат ва хаказо) 5-6 баробар юкорирок ёруглик оқимини хосил киладилар. Натижада, лойихаланаётган хонада, керакли ёритиганликни хосил қилиш учун, умумий куввати бир неча баробар камрок булган ёритгичлар урнатиш мумкин. Кундуз қуни ёритгичларни ортикча уланишидан буладиган энергия сарфи қуйидаги формула билан аникланади:

$$\Delta \text{Э} = K_{\text{тал.}} \left(t - \frac{T_{\text{фойд.}}}{365} \right)$$

Бу ерда : P - электр тармоқга уланган ёритгичлар куввати, кВт;

$K_{\text{тал.}}$ - талаб коэффиценти; t - ёритгичларни уланадиган муддати (кундуз қуни); $T_{\text{фойд.}}$ - максимумдан фойдаланиш коэффиценти.

Маълум бир узгартиришла билан хам хар хил ютуқларга эга булиш мумкин. Масалан, 2та 60 Вт ли лампанинг урнига 1та 100Вт ли лампани урнатиш билан, хонанинг ёритилганлиги сезирарли даражада узгармайди ва шунинг билан биргаликда электр энергия исрофи 12% га камаяди. Йиллик максимумдан фойдаланиш вақти катта булган хоналарда (масалан маъмурий биноларда - $T_{\text{фойд.}} = 2700$ соат) 1 та 300 Вт ли чугланма лампани урнига 100 Вт ли симобли разрядли лампани урнатиш билан бир йилда 486 кВт.с. электрэнергияси иктисод қилинади. 2та 100 Вт дан лампаларни урнига 1та 40

Вт ли люминесцент лампа урнатиш билан бир йилда 400 кВт соат электр энергия иктисод килинади. 7та чугланма лампани урнига 1 та натрийли разрядли 150 Вт ли лампани урнатиш билан бир йилида 2360 кВт. с электр энергияси иктисод килинади . Келтирилган мисолларни барчасида ёритилганлик узгармайди.

Электр лампалари хосил килаётган ёруглик окими микдори кучланиш микдори билан узвий богликдир. Кучланиш 1% - га пасайиши билан чугланма лампаларни ёруглик окими 3-4 %-га , люминесцент лампаларда - 1,5 % га ва ДРЛ типигаги лампаларда - 2,2% га.камаяди. Лампаларга берилаётган кучланишни доимий килиб саклаш учун уларни махсус трансформаторларга улаймиз, ёки компенсацияловчи курилмалардан фойдаланамиз.

Электр ёритиш тармоқларида электр энергия сарфини камайтириш учун бу жараёнларни автоматлаштириш керакдир. Электр ёритишни бошқариш учун бу жараёнларни автоматлаштириш керакдир. Электр ёритишни бошқариш учун Ао, Ф-2, ФРМ - 62 ва бошка туридаги махсус курилмалардан фойдаланамиз. Датчиклар хисобида соат механизмалари, вақт релелари, фотоэлементлар, фоторелелар кулланилади.

4. Электр энергия сарфини камайтирувчи чора-тадбирлар.

Энергия тежовчи чораларни асосларидан бири бу ёритиш лампани кувватини тугри аниклаш. Ёритгич турини қабул қилишда уни “ёругликни бериш” техник курсатгичини хисобга оламиз

$$H = \frac{F_{\text{лм}}}{P_{\text{Вт}}} ; \frac{\text{Лм}}{\text{Вт}}$$

Бу курсатгич чугланма лампалар учун $H = 10-20 \frac{\text{Лм}}{\text{Вт}}$
люминесцент лампалар учун $H = 42-62 \frac{\text{Лм}}{\text{Вт}}$
газ разрядли ДРЛ типигаги лампалар учун $H = 35-55 \frac{\text{Лм}}{\text{Вт}}$
ва ДРИ типигагилар учун $H = 64 - 90 \frac{\text{Лм}}{\text{Вт}}$

“Ёругликни бериш” томонидан ДРИ типидпги ёритгичларни куллаш энг кулайлироқдир. Шунинг билан биргаликда (хизмат қилиш муддати) 10-15 баробар юкорироқдир. Лекин лампанинг вольт-ампер курсатгичи кескин узгарувчанлигини хисобга олиб, схемада лампа билан кетма-кет токни чегараловчи каршилиқларни куллаймиз ва лампани ёкиш учун махсус курилмаларни урнатамиз. Буларни барчаси электр энергия сарфини кушимча 40% гача ошишига олиб келади.

Люминисцент лампаларни қабул қилишда билиш керак. ЛБ типигаги лампалар иктисодий афзаллироқдир. Масалан, ЛДЦ типигаги лампалар урнига ЛБ типигагини урнатиш 32% гача электр энергиясини тежашга олиб келади. Кархоналарни атрофидаги худудларни ёритишда ДРЛ типигаги

лампаларни НЛВД типиди алмаштириш энергетик томонидан кулайлидир. Масалан, ДРЛ - 4-- (P=400Вт; F= 23 кЛм) урнига НЛВД - 330 (P=330 Вт; F= 27 кЛм) кабул қилиши билан 1 йилда 1 ёритгич хисобидан 280 кВт.с энергия тежаш мумкин. Бу ерда ёритгичларни 1 йил давомида ишлаш муддати бир хил 400 соат.

Тавсия қилинадиган энергия тежовчи чора-тадбирлар.

1. Ёритгич юзаларн ва ойналарни уз вақтида хар хил ифлосликлардан тозалаб туриш - олинаёдиган энергия иктисоди 20 % гача.
2. Ёритгичларни маълум бир график асосида учуриб - ёкиш - иктисод 20% гача.
3. Хонадаги шифт ва деворларни окрак рангларга буйеш - иктисод 20% гача.
4. Бор лампаларни юкорирок ФИК лампаларга алмаштириш (масалан ЛД ни Лбга, ЛБ ни ЛБР га ва хаказо) - иктисод 25% гача.
5. Бириктирилган ёритилганликдан кенгрок фойдаланиш - иктисод (10-25%) гача
6. Бор ёритгичларни юкорирок ФИК ларга алмаштириш - иктисод (10-25) % гача.
7. Электр ёритишни автоматик бошкариш. - иктисод (8-10) % гача.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Ёритиш нормалари нималарга боғлиқ?
2. Электр ёритгичлардан оқилона фойдаланиш.
3. Электр энергия сарфини камайтирувчи чора-тадбирлар

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..

3. Ганелинин А.М. Экономия электроэнергии в сельском хозяйстве - М,
4. Колос, 1983.
2. Кораблев А.Д. Экономия электроэнергии в сельском хозяйстве - М., Агропромиздат, 1988.
3. Ибрагимов М.И. Электр энергиясидан самарали фойдаланиш. Маърузалар матни, 2000 й.

ТЕСТ.

1. Дизел юкланишини ортиши билан буровчи момент ҳам ортишини нима билан изохлаш мумкин?
 - a) Корректор ишга тушиб, циклга берилувчи ёқилғи миқдорини орттиради
 - b) Ёниш шароити яхшиланади, механик йўқотишлар камаёди
 - c) Тўлдириш коэффиценти ортади
 - d) Двигателдаги механик йўқотишлар камаёди
2. Поршенли ички ёнув двигателлари иш циклини ташкил қилувчи жараёнлари қайси жавобда тўлиқ келтирилган?
 - a) Кириштиш, сиқиш, ёниш, кенгайтиш, чиқариш
 - b) Аралашма тайёрлаш, кириштиш, сиқиш, ёниш, чиқариш
 - c) Кириштиш, сиқиш, ёнилғи пуркаш, кенгайтиш, чиқариш
 - d) Кириштиш, сиқиш, кенгайтиш, чиқариш, аралашма тайёрлаш
3. Двигателнинг индикатор қуввати деб нимага айтилади?
 - a) Двигател цилиндри ичидаги аралашма ёнганда ҳосил бўлган қувватга айтилади.
 - b) Двигателнинг етакчи ғилдиракларига бериладиган қувват.
 - c) Двигател тавсифида кўрсатилган қувват.
 - d) Двигателнинг ишлаб чиқарган қувватга.
4. Механик йўқотишларга сарфланган қувват қувватининг бир қисми ҳисобланади
 - a) Индикатор
 - b) Эксплуатацион
 - c) Эффе́ктив (фойдали)
 - d) Номинал
5. Ёнилғи пуркалишининг илгарилатиш бурчагини ўзгариши двигател ишига қандай таъсир қилади.
 - a) Двигател қуввати ва тежамкорлиги пасаяди
 - b) Хавонинг ортиқлик коэффиценти пасаяди
 - c) Двигател тақиллаб ишлайди
 - d) Двигател хаддан ташқари тутиб ишлайди
6. Двигателлардаги созланиш деб нимага айтилади?
 - a) Двигател қувватини юкланиш ўзгаришига мос равишда ўзгаришига
 - b) Двигател барча кўрсаткичларини юкланишга қараб ўзгаришига
 - c) Созловчи органлар ҳолатини юкланишга мос равишда ўзгаришига
 - d) Ёқилғи сарфини юкланишга мос ўзгаришига
7. Суяқ ёқилғини тежаб қолиш йўллари
 - a) Двигателни такомиллаштириш, бошқа турдаги двигателга ўтиш, турли ёқилғи ва энергия манбаларидан фойдаланиш билан
 - b) Двигателнинг ёқилғи тежамкорлигини янада кўтариш билан
 - c) Бошқа турдаги двигателларга ўтиш билан
 - d) Двигателнинг ёқилғи тежамкорлигини янада кўтариш билан
8. Нима учун пуркашни илгарилаш бурчаги ўзгариши билан солиштирма сарф ҳам ўзгаради?
 - a) Солиштирма сарф қувватга тесқари мутаносибликда ўзгаради
 - b) Ёқилғи бериш ва айланишлар частотаси ўзгаради
 - c) Циклга берилувчи ёқилғи миқдори ўзгаради
 - d) Аралашма ҳосил қилиш ёмонлашади
9. Тишлаштиш муфтасининг вазифаси нимадан иборат?
 - a) Двигателни қисқа вақт давомида трансмиссиядан ажратиш, ҳамда уларни бири-бирига қайта равон қўшиш ҳамда машинани равон жойидан қўзғалишини таъминлаш учун хизмат қилади.
 - b) Тезликни оширади.

c) Двигателни қисқа вақт давомида трансмиссиядан ажратади.

d) Двигателни юргизиб юборади

10. Узатмалар қутисининг вазифаси нимадан иборат?

a) Двигателдан келаётган буровчи моментни катталигини ва ҳаракат йўналишини ўзгартириш ва узоқ муддатга двигателни трансмиссиядан ажратиш

b) Машина тезлигини ошириш учун

c) Буровчи моментни оширади

d) Машинани тўхтатиш учун

11. Трактор ва автомобилларнинг юриш қисмининг вазифаси нимадан иборат?

a) Машина оғирлигини таянч юзага узатади ва уни ҳаракатланишини таъминлайди .

b) Ғилдиракларни ҳаракатга келтиради.

c) Орқа кўприкни бекитади.

d) Ҳамма қисмларни ўзида бирлаштиради

12. Кардан узатмаларнинг вазифалари нимадан иборат?

a) Автомобилнинг валлари ўқлари бир-бирига тўғри келмайдиган ва ўз вазиятини ўзгартира оладиган агрегатлар орасида буровчи моментни узатиш учун

b) Валлари бир-бирига паралел бўлган ва вазиятларни ўзгартирмайдиган агрегатларга буровчи моментни узатиш учун

c) Бир – бирига перпендикуляр бўлган валларни ўзаро улаш учун

d) Автомобилнинг валлари ўқлари бир-бирига тўғри келмайдиган ва ўз вазиятини ўзгартирмайдиган агрегатлар орасида буровчи моментни узатиш учун

13. Автотракторларда тормоз механизмларининг қандай турлари қўлланилади

a) Дискли, колодкали (барабанли), тасмали (шкивли)

b) Колодкали (барабанли), тасмали (шкивли), роликли

c) Тасмали (шкивли), колодкали (барабанли), рейкали

d) Дискли, колодкали (барабанли), шестерняли

14. Тракторларнинг юриш қисмига оид 4К4 ва 4К2 белгилар нимани англатади?

a) Биринчи сон ғилдираклар сони (4 дона); иккинчиси эса ҳаракатлантурувчи ғилдираклар сони яъни биринчисида 4 та етакловчи ғилдирак, иккинчисида эса 2 та етакловчи ғилдирак

b) Бу белги ҳеч нарсани аңлатмайди.

c) Бу сонлар ғилдираклар русуми.

d) Ғилдираклар сони 8 дона ва 6 дона дегани.

15. Трактор ва автомобиллар ғилдираклари вазифасига кўра қандай номланади?

a) Етакчи ва етакланувчи ғилдираклар.

b) Етакланувчи ғилдираклар.

c) Юрувчи ғилдираклар.

d) Етакчи ғилдираклар.

16. Трактор ва автомобил шиналарининг тўқималари қанақа турда бўлади?

a) Диагонал ва радиал шаклда

b) Диогнал шаклда

c) Ҳеч қандай шаклли бўлмайди

d) Радиал шаклда

17. Тракторлар юриш қисмининг турига кўра қандай турларга бўлинади?

a) Занжирли ва ғилдиракли тракторлар.

b) Занжирли тракторлар.

c) Юриш қисмига кўра тракторлар турларга ажралмайди.

d) Ғилдиракли тракторлар.

18. Автотракторларда қўлланиладиган илашиш муфтаси қанча қисмдан иборат?

a) Учта қисмдан: етакчи, етакланувчи ва юритмадан

b) Иккита қисмдан: етакчи ва етакланувчидан

c) Иккита қисмдан: етакчи ва юритмадан

d) Битта яхлит қисмдан

19.Ярим ўқларнинг қандай турлари мавжуд.

- a) Ярим юкланган, 3/4 га юкланган, юкланмаган
- b) Тўлиқ юкланмаган, ярим юкланган, 3/4 га юкланмаган
- c) Ярим юкланган, юкланмаган ва 3/4 га юкланмаган
- d) Тўлиқ юкланган, ярим юкланган, 3/4 га юкланган

20.МТЗ-80 тракторининг илмокдаги тортиш кучи нечага тенг?

- a) 14 кН
- b) 0,2 кН
- c) 40 кН
- d) 20 кН

21.Оралик бирикмалар вазифаси нимадан иборат?

- a) Геометрик ўқлари бир-бирига тўғри келмайдиган ёки нисбатан силжиши мумкин бўлган валларга буровчи моментни узатиш учун
- b) Геометрик ўқлари бир-бирига тўғри келадиган валларга буровчи моментни узатиш учун
- c) Бир – бирига перпендикуляр ҳолатда жойлашган валларга ҳаракат узатиш учун
- d) Бир – бирига бурчак остида жойлашган валларни туташтириш учун

22.Тракторлар асоси (остов) турига қараб қандай турларга ажратилади?

- a) Рамали, рамасиз, ярим рамали ва бўлакланувчи рамали
- b) Ярим рамали
- c) Бўлакланувчи, рамали (шарнирли)
- d) Фақат рамали

23.Автотракторларда қандай илашиш муфтаси қўлланилади?

- a) Бир ва кўп диски, қуруқ, доимий кўшилган илашиш муфтаси;
- b) Бир диски, қуруқ, кулачокли, илашиш муфтаси;
- c) Кўп диски хўл, фрикцион, гидрокучайтиргичли, доимий кўшилмаган
- d) Кўп диски, қуруқ, кулачокли, илашиш муфтаси;

24.Енгил ва ўрта оғирликда юк ташувчи автомобилларда ва универсал чопик тракторларда қандай илашиш муфтаси қўлланилади?

- a) Бир диски, қуруқ, доимий кўшилган;
- b) Бир диски, хўл, доимий кўшилган;
- c) Икки диски, қуруқ, доимий кўшилмаган
- d) Икки диски, доимий кўшилган қуруқ;

25.Оғир юк кўтарувчи автомобил ва қуввати юқори занжирли тракторларда қандай илашиш муфтаси қўлланилади?

- a) Икки диски, қуруқ, доимий кўшилган
- b) Икки диски, хўл, доимий кўшилган
- c) Кўп диски хўл доимий кўшилган
- d) Бир диски, қуруқ, доимий кўшилган

26.Тракторнинг гидравлик системасида қандай турдаги насос ишлатилади?

- a) Шестерняли насос.
- b) Поршенли насос.
- c) Сурувчи насос.
- d) Вакуумли насос.

27.Автомобилларда қўлланиладиган амартизаторларнинг вазифаси нимадан иборат?

- a) Силкиниш кучини сўндиради ва силкинишлар сонини камайтиради.
- b) Автомобилнинг асосини ҳимоя қилади.
- c) Юк кўтаришга ёрдам беради
- d) Силкинишнинг олдини олади.

28.Автотракторнинг бўлак агрегатли гидро системалари қандай агрегатларни ўз ичига олади?

- a) Гидронасос таксимлагич, мой баки, куч цилиндри
- b) Гидронасос, тақсимлагич, трубопроводлар, саклагич клапини
- c) Мой баки, гидронасос, таксимлагич, ўтказиш клапани
- d) Мой баки, гидронасос, таксимлагич, трубопроводлар

29. Гилдиракли трактор ва автомобилларнинг етакчи кўприги қандай механизмларни ўз ичига олади?

- a) Бош узатма, дифференциал, етакчи кўприк валлари (ярим ўқлар) ва охирги узатма
- b) Бош узатма, дифференциал, илашма, узатмалар кутиси
- c) Дифференциал, охирги узатма, етакчи гилдираклар
- d) Бош узатма, узатмалар кутиси, дифференциал, ярим ўқлар

30. Рул бошкармаларида рул чамбарагининг йўл қўйилган эркин йўли нимага тенг?

- a) 10 градус
- b) 7,5 градус
- c) 15 градус
- d) 5 градус

31. Занжирли тракторларнинг етакчи кўпригига ўрнатиладиган буриш механизмлари турларини кўрсатинг?

- a) Фрикцион (кўп диски фрикцион бошқариш муфтаси) ва планетар буриш механизми.
- b) Фрикцион механизм
- c) Оддий дифференциалли.
- d) Планетар-фрикционли механизм.

32. Трактор ва автомобилларда куч узатмасининг вазифаси нимадан иборат?

- a) Двигателнинг буровчи моментини ҳамда айланишлар частотасининг микдори ва йўналишини ўзгартириб машинанинг етакчи гилдиракларига узатади ҳамда агрегат ва механизмларни бирлаштиради.
- b) Айланиш частотасини кўпайтиради
- c) Кувватни ошириш.
- d) Момент ҳосил қилиш

33. Трактор ва автомобилларнинг юриш қисмига қайси механизм ва системалар киради?

- a) Кўтарувчи система (асос), гилдираклар (юритгач), осма механизмлар
- b) Осма механизмлар.
- c) Рессорлар киради
- d) Гилдираклар.

34. Автомобилларнинг босқичли механик трансмиссиялари қандай асосий механизмлардан ташкил топган?

- a) Илашиш муфтаси, узатмалар кутиси, оралик бирикмаси етакчи кўприклар ва охирги узатмалар;
- b) Орқа етакчи кўприк, олдинги етакчи кўприк, асосий узатма, охирги узатма;
- c) Узатмалар кутиси, юриш қисми, бошқа риш механик змлари ва тор моз системаси
- d) Илашиш муфтаси, узатмалар кутиси, юриш қисми ва бош қариш механик змлари;

35. Автомобилнинг тузилиши қайси вариантда тўғри ифодаланган?

- a) Двигател, кузов, трансмиссия қисми, юриш қисми, бошқариш механизмлари, электр жиҳозлари, контрол ўлчов асбоблари ва қўшимча жиҳозлар.
- b) Двигател, трансмиссия қисми ва бошқариш механизми
- c) Автомобиллар қисмларга бўлинмайди.
- d) Двигател, кузов, юриш қисми, трансмиссия қисми.

36. Тракторлардаги клапан-золотник типдаги мой таксимлагичлар қайси ҳолатларда ишлайди?

- a) «Кўтариш». «Тушириш», «Сузувчи» ва «Нейтрал»
- b) «Сузувчи» ва нейтрал.

c) Фақат нейтрал ҳолатда.

d) «Тушириш».

37.Ишчи механизм (ҚХМ)ни тракторга бириктиришда ўрнат ма қурилмаларни неча нуқтали қилиб ўрнатиш мумкин?

a) Икки ва уч нуқтали.

b) Икки нуқтали.

c) Бир нуқтали.

d) Уч нуқтали

38.Дифференциал қандай деталлардан ташкил топган.

a) Корпус, сателлитлар, етакчи вал шестерняси ва крестовинадан

b) Корпус, сателлитлар, етакчи валлар шестерняларидан

c) Корпус, етакчи валлар шестернялар, ярим ўқлар, сателлитлардан

d) Корпус, сателлитлар, муфтадан

39.Автотракторларда қандай тормоз турлари қўлланилади?

a) Ишчи, тутиб туриш, ёрдамчи ва эҳтиёт тормоз системалари

b) Ишчи, ёрдамчи, тутиб туриш ва дискли тормоз системалари

c) Ишчи, тутиб туриш, эҳтиёт ва колодкали тормоз системалари

d) Ишчи, ёрдамчи, эҳтиёт ва оний тормоз системалари

40.Двигателнинг қувват баланс тенгламаси деб нимага айтилади?

a) Иш вақтида двигател қувватининг тақсимланишини кўрсатувчи тенгламага айтилади.

b) Фойдали иш бажариш учун сарфланган қувват тенгламасидир.

c) Ғилдиракларнинг ҳаракатлани шига сарф бўлган қувват тенгламасидир.

d) Бу трансмиссиядаги қувватдир.

41.Етакчи ғилдиракларга узатиладиган буровчи момент қайси кучни юзага келтиради.

a) Уринма куч.

b) Оғирлик кучи

c) Нормал куч.

d) Реакция кучи

42.Трактор қайси ҳолларда камроқ шатаксирайди?

a) Назарий тезлик билан хакикий тезлик орасидаги айирма камроқ бўлганда

b) Ғилдиракнинг радиуси катта бўлганда, тортиш кучи катта бўлганда, ер юмшок бўлганда

c) Ғилдиракнинг радиуси кичик бўлганда тортиш кучи кам бўлганда, ер каттик бўлганида назарий ва хақи қий тезликлар орасидаги айирма кўпроқ бўлганда

d) Ер каттик бўлганда, назарий билан хакикий тезликлар кийматлари орасидаги айирма катта бўлганида

43.Барча ғилдираклари етакчи бўлган машиналарнинг асосий афзаликлари нималардан иборат?

a) Камроқ шатаксираши, ўтувчанлик қобилятининг яхшиланиши, илмоқда кўпроқ куч билан ишлаши

b) Ўтувчанлик қобилятининг камайиши тезликни ортиши, двигателни юкланиши камайиши

c) Ўтувчанлик қобиляти камайиши, шатаксирашининг ошиши, илмоқда куч билан ишлаши

d) Каттик ерларда шатаксирамасдан тезлик билан юриши, баландликларга чиқа олиши

44.Амалиётда салт юрган тракторда шатаксираш борми ёки йўқми?

a) Салт юришни ҳеч алоқаси йўқ

b) Йўқ деб қаралади

c) Фарқи йўқ

d) Бор деб қаралади

45. Нима учун етакчи ғилдирак дейилади?

a) Буровчи момент берилгани учун

b) Орқада жойлашгани учун

c) Диаметри катта бўлгани учун

d) Кенг бўлгани учун

46. «Двигател» бўйича машинанинг юриткичдаги момент қиймати қандай асосий кўрсаткичларга боғлиқ?

a) Двигател моментига, трансмиссиянинг узатиш сонига, трансмиссиянинг ФИКГа

b) Трансмиссиянинг узатиш сонига, трансмиссиянинг ФИКГа, ҳаракат тезлигига, узатиш сонига

c) Двигателнинг турига, трансмиссиянинг ФИКГа, ҳаракат тезлигига, узатиш сонига

d) Двигател моментига, машинанинг тезлик ва равонлигига, трансмиссияни ФИКГа

47. «Юриткич» бўйича уринма куч Рк қандай аниқланади?

a) Трактор огирлигининг етакчи ғилдиракларга таъсир қилаётган қисми, илашиш коэффициентлари

b) Ернинг тури, юриш қисмининг тури, ғилдирак схемаси

c) Ғилдирак схемаси, юриш қисмининг тури машинанинг огирлиги, ҳаракат тезлиги

d) Етакланувчи ғилдиракларга таъсир қилаётган огирлик қисми, машинанинг огирлиги, ернинг тури, юриш қисмининг тури

48. Машинанинг бошқарилувчанлиги деб нимага айтилади?

a) Берилган йўналиш бўйича унинг аниқ ҳаракатланиши ва керак вақтда талаб қилинган траектория бўйича унинг ҳаракати.

b) Берилган йўналиш бўйича унинг аниқ ҳаракати.

c) Ғилдиракларни бурилувчанлиги

d) Керак вақтда талаб қилинган траектория бўйича унинг ҳаракати.

49. Ҳаво тўлдирилган шинали ғилдиракларнинг асосий иш хусусиятларини кўрсатинг?

a) Гистерезис таянч-юк кўтариш, ишлаш хусусияти, четга чиқиб кетишга қаршилик хусусияти

b) Четга чиқиб кетишга қаршилик хусусияти.

c) Гистерезис таянч-юк кўтариш хусусияти.

d) Ишлаш хусусияти.

50. Ғилдиракнинг динамик радиуси деб қайси масофага айтилади?

a) Ғилдиракнинг геометрик марказидан реакция кучи таъсир этаётган юзагача бўлган масофа

b) Ғилдиракнинг (ер) тупроқга тегиб турган масофаси.

c) Ғилдираклар орасида масофа.

d) Ғилдиракнинг тинч турган ҳолатдаги радиуси.